

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИЕТИ

Адабиётшунослик кафедраси

ЭШОНҚУЛОВА ОЛИМАНИНГ

5220100 – филология таълим йўналиши бўйича бакалавр

даражасини олиш учун

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲИКОЯЛАРИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ

МУАММОЛАРНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: доц. У.Ўлжабоев

филология фанлари номзоди

Гулистон – 2015

РЕЖА:**КИРИШ**

I БОБ. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида маънавий-ахлоқий муаммолар ва образлар талқини

- 1. Абдулла Қаҳҳорнинг “Тўйда аза” ҳикоясида шахс фожеаси талқини**
- 2. “Хотинлар” ҳикоясида инсон матонатининг ифодаси**
- 3. “Маҳалла” ҳикоясида инсонлараро меҳр-оқибат туйғуларининг ифодаланиши**

II БОБ. Маънавият ва руҳият уйғунлиги

- 1. Аёл маънавияти бош масала**
- 2. Севги, муҳаббат – инсон маънавиятини белгиловчи муҳим омиллардан бири**

ХУЛОСА

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Адабиёт – халқ мулки. У инсон ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга. Инсон бор экан, адабиёт ҳам бўлади. Адабиётнинг ўлмаслигини таъминловчи иккита қудратли омил бор. Уларнинг бири адабиётнинг ғоят буюк тарбиявий-маърифий аҳамияти бўлса, иккинчиси, унинг инсонларга завқ-шавқ бериш хусусиятига эгалигидир. Зеро, инсон ҳар қандай даврда, ҳар қандай шароитда ҳам бусиз яшолмайди: у доимо тарбияга, доимо маърифатга муҳтож. Ана шунга кўра, тарбиявий-эстетик аҳамиятга эга бўлган етук асарларга завол йўқ. Ана шундай безавол асарлари билан китобхонларга маънавий-ахлоқий тарбия бера олган Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек адабиётида ўз ўрни бор.

А.Қаҳҳор ҳикояларида ифода этилган теран фикр, инсон қалби кечинмалари тасвири, руҳият таҳлилининг ўзига хослиги, замон учун долзарб муаммоларни акс эттирганлиги ва ўзига хос бадиияти билан ажралиб туради. Унинг «Майиз емаган хотин», «Хотинлар», «Тўйда аза», «Нурли чўққилар», «Маҳалла» ҳикояларида жуда катта ижтимоий-тарбиявий муаммолар акс эттирилган.

Маълумки, ушбу маҳоратли адиб ҳақида шу кунгача кўплаб тадқиқотлар яратилган. Лекин А.Қаҳҳор эпик асарларида ёзувчи маҳорати, айниқса, маънавий-ахлоқий

муаммоларнинг ёритилиши ҳақида алоҳида, жиддий бир тадқиқот иши зарурлиги ушбу БМИнинг долзарб мавзуга бағишланганлигини асослайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Қаҳҳор асарлари хусусида анчагина ишлар амалга оширилган. Ёзувчи асарларининг ғоявий – мазмуний жиҳатидан таҳлил этилиши, ҳикояларидаги маънавий-ахлоқий муаммоларнинг қўйилиши танқидчилар томонидан кенг ўрганилган. Бу борада айниқса, О.Шарафиддинов¹, У.Норматов², У.Ўлжабоев³, М.Қўшжонов⁴, В.Смирнова⁵, М.Султонова⁶ ва бошқа адабиётшунос, мунаққидларнинг хизматлари беқиёс. Мазкур олимларнинг саъй – ҳаракати билан Абдулла Қаҳҳор асарларининг ғоявий-бадиий қиммати, эстетик аҳамияти ҳамда ёзувчининг ўзбек насрида, хусусан, ҳикоянавислигида тутган ўрни ҳозир қониқиш билан айтиш мумкинки, ўз баҳосини топди. Абдулла Қаҳҳор шахси кенг китобхонлар оммасига таништирилди.

Адабиётшунослигимизда Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди хусусида бир қатор ишлар яратилган. Мазкур БМИ Абдулла Қаҳҳор асарларининг шуҳрат топишига сабаб

¹ Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Т., Ғ.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979.
Шарафиддинов О.А.Қаҳҳор. – Т., “Ёш гвардия” нашриёти. 1988.

² Норматов У. А.Қаҳҳор. (М.Қўшжонов билан ҳаммуаллифликда). –Т., Ғ.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.

³ Ўлжабоев У. Абдулла Қаҳҳор сабоқлари. – Гулистон., “Зиё” нашриёти. 2013.

⁴ Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор. – Т., Фан, 1973.

⁵ Смирнова В.В. Современный портрет. Советский писатель. 1964.

⁶ Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услуби. Фан, 1967.

бўлган, унинг ўзига хос услуби билан боғлиқ жиҳатлар, қаҳрамонлар руҳиятининг бетакрор ифодалаари ёзувчининг замонавий мавзудаги ҳикоялари ва “Муҳаббат” қиссасида қай даражада акс этганлиги таҳлили орқали амалга оширилганлигини ўрганишга бағишланган.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу БМИнинг асосий мақсади ХХ аср ўзбек насрида ўз ўрнига эга бўлган ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ижодига қисман назар ташлаш ва унинг ўзига хос жиҳатлари, маънавий-ахлоқий муаммоларнинг қўйилиши ва бадииятини «Майиз емаган хотин», «Хотинлар», «Тўйда аза», «Нурли чўққилар», «Маҳалла» ҳикоялари ва «Муҳаббат» қиссаси орқали кўриб чиқиш. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мўлжалланган:

- Абдулла Қаҳҳорнинг айрим асарларини таҳлил қилиш орқали уларда маънавий-ахлоқий муаммоларнинг қўйилиши масаласига эътибор қаратиш;
- Асарларида бадиийлик компонентларининг қўлланилиши ва ёзувчи ғоявий мақсадини тадқиқ этиш;
- Бош қаҳрамон характери талқинида шароит тасвирининг ролини беришда ёзувчи маҳоратини аниқлаштириш кабилардан иборат.

Ушбу вазифалар бажарилиши жараёнида ёзувчининг ўзига хос услуби масаласи ҳам умумий ҳолатда ўрганилади.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Мазкур битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги шундаки, бу ишда Абдулла Қаҳҳорнинг асарларида адабиётшунослар томонидан ҳали тўлақонли ўрганилмаган маънавий-ахлоқий муаммоларнинг ёритилиш маҳорати имкон даражасида таҳлилга тортилган. Асарлардаги образлар талқинида ҳам ўзига хос баъзи янгиликлар кузатилган. Чунки бу муаммо юзасидан ҳозиргача йирик монографик шаклдаги тадқиқотлар учрамайди. БМИда А.Қаҳҳор асарларидаги психологизм масаласи ҳам асосий муаммо сифатида кўтарилган ва бунда асарларнинг бадиий жиҳатини ўрганиш ҳам назарда тутилган.

БМИдан эришиладиган натижа Абдулла Қаҳҳор ижодининг ўзига хос жиҳатлари, маънавий-ахлоқий муаммолар талқини ва бадииятини «Майиз емаган хотин», «Хотинлар», «Тўйда аза», «Нурли чўққилар», «Маҳалла» ҳикоялари ва «Муҳаббат» қиссаси мисолида кенгроқ миқёсда ўрганишга ва улардаги маҳорат масаласига эътибор қаратилганида.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур иш шу кунгача Абдулла Қаҳҳор маҳоратини ўрганишга бағишланган бошқа тадқиқотлардан унинг асарларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг қўйилиши яхлит ҳолда ўрганилганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки ушбу муаммо ҳали адабиётшунослиқда ўз ечимини топмаган, дейиш мумкин. Ушбу тадқиқотдан

Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганишда, шу мавзудаги илмий тадқиқот яратилишида, БМИларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг предмети ва методологик асоси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг истиқлол мафкураси, миллий ғоя ва маданий қадриятлар ҳақидаги қарашлари тадқиқотнинг методологик асосларини ташкил қилади.

Битирув малакавий иши шу йўналишда адабиётшунослик фани эришган ютуқларга асосланади. Адабий меросимизнинг йирик тадқиқотчилари О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, У.Норматов, И.Ҳаққул, У.Ўлжабоев каби олимларнинг назарий қарашларига суянган ҳолда олиб борилди.

Тадқиқотнинг тузилиши. Мазкур БМИ кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ.**Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида маънавий-ахлоқий
муаммолар ва образлар талқини**

“Тўйда аза” ҳикоясида шахс фожеаси талқини

“Ёзувчининг маҳорати шундаки, бутун баҳорни чигитдек келадиган ғўра ичига қамаб бера олади...” деган эди Абдулла Қаҳҳор.

Дарҳақиқат, гўзаллик ошuftаси бўлган адиб инсоннинг руҳ ва қалб гўзаллигини кўшиқдек ўз асарларига чуқур сингдира олган ҳақиқий ёзувчи, ўзбек адабиётини дунё бадий тафаккури мақомига олиб чиққан машхур санъаткордир. У умуминсоний маънавий – руҳий дард ва малҳам ҳақида нафақат сўзлади, балки уни китобхонлар қалбига жо қилди. Бу беқиёс яратилган унинг бебаҳо асарларида бўй кўрсатиб келмоқда. Унинг ҳикоялари турли мавзуларда яратилган бўлса-да, уларнинг ҳаммасини залворли ҳаётини муаммолар, ўзига ҳос ҳарактерли қаҳрамонлар, бирлаштириб туради. Кичик жанрдаги улкан мазмун намоён бўлади.

А.Қаҳҳорнинг маҳорати шундаки, ҳаёт ҳақиқатини бадий либосга буркаб ҳар томонлама етук асарлар яратади. Абдулла Қаҳҳор асарларига такрорланмас ранг ва оҳанг бағишлаган қудрат ҳаётдир. Ёзувчи умри давомида дилдан

ўтказган ўйлари, ёшлиқда кўрган – кечирганлари, ҳаётини чулғаган фикрларини умумлаштириб бадиий шаклга солди.

“Бадиий адабиётнинг асосида, шубҳасиз, инсон маънавияти билан боғлиқ муаммоларнинг бадиий ифодаси туради. Шу боисдан ҳам ҳеч бир ижодкор йўқки, ўз асарида бу масалани четлаб ўтган бўлсин. А.Қаҳҳор ижоди, жумладан, ҳикоялари юзасидан ҳам шу фикрни айтиш мумкин”¹.

Ҳақиқатан ҳам, Шарқ менталитетига кўра бадиий адабиёт инсонларга эстетик завқ беришдан ташқари маънавий озуқа ва таълим-тарбия ҳам бериши азалдан маълум. Бундай ҳолат инсон маънавиятига жиддий эътибор берган ижодкор А.Қаҳҳор ижодида яққол намоён бўлади.

Ҳаётда учраб турадиган айрим тоифа одамларнинг ҳаётда йўл қўйган хатоликлари, қусурлари, уларда шаклланган салбий маънодаги характер-хусусиятларни ифодалаш учун ёзувчи кўпроқ ҳажвиётга мурожаат қилади.

“Ҳажвга, кулгига мойиллик унга ташқаридан ёпишган ёки ҳаётий тажриба туфайли орттирган бисот эмас, туғма хислатдир. Ҳажвиётга мойиллик унинг қонида мавжуд, қолаверса, унинг фикрлашидаги ўзига хосликдан туғилган”².

Ҳаётда учраб турадиган, ўз ёшига муносиб хатти-ҳаракат бажармайдиган инсонлар тоифаси ҳақида ҳам ҳикоялар мавжуд.

¹ Ўлжабоев У. Абдулла Қаҳҳор сабоқлари. Гулистон. 2013. 40-бет.

² Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. – Т., Ёш гвардия. 1988. 112-бет.

А.Қаҳҳор бундай одамларни ўзининг “Тўйда аза” номли ҳикоясида ишонарли тарзда кўрсатиб берган. Ҳаёт ҳақиқатини бадиий далиллаб янги асарлар яратиш А.Қаҳҳорнинг услубининг бир кўриниши. “Тўйда аза” ҳикояси ҳам айнан ўзи кўрган воқеадан таъсирланиб қоғозга тушурган асарларидан биридир. Ёзувчининг умр йўлдоши Кибриё Қаҳҳорова ўзининг “Чорак аср ҳамнафас” китобига ушбу ҳикояни яратиш ҳақида шундай ёзади: “1956 йилнинг ёзида уйимизга ёшгина, қизи тенги танноз жувонга уйланган бир танишимиз келиб қолди. Меҳмондорчиликдан сўнг биз уларни машинага ўтказиб шаҳар айландик. Йўл бўйи бозорга тушиб, ул – бул ҳарид қилдик. Бечора ёши ўтиб қолган “куёв бола” ёш хотинни олдида ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиб, жони ҳалқумига келса ҳамки, ўзини бардам, чаққон кўрсатиб, елиб югурганича майда – чуйдаларини машинага элтиб қўярди. А.Қаҳҳор унинг ҳансираганини кўриб, қўлидан тўрхалтани олишга ҳарчанд уринсалар-да, бари бир у тутқич бермас эди. Ҳарид қилинган юкларни машинага жойлаб, ҳаммамиз ўриндиққа ўтиргандан кейин “куёвбола”нинг афт-ангорига қарасак, ҳоли хароб, бурнининг учи оқариб, калта-калта нафас оляпти.

А.Қаҳҳор машинанинг ички кўзгусидан менга қараб:

- Зўри беҳуда миён мешиканад, – деб қўйдилар.

Шу воқеа туртки бердию, “Тўйда аза” деган ҳикояни ёздилар ва ўшанда менга машина ичида айтган тожикча

мақолни – “Зўри беҳуда миён мешиканад”ни (“Ортиқча чираниш – белнинг заволи”) ҳикояга эпиграф қилиб қўйдилар”.

Кўринадики, ушбу ҳикоянинг ёзилишига сабаб бўлган ҳаётий асос ва асосий образнинг прототипи ҳам мавжуд экан.

Ҳикоя Мухторхон Мансуровнинг портрети билан бошланади. “Доцент Мухторхон Мансуров ниҳоятда истараси иссиқ, ниҳоятда дилкаш чол, шу қадар дилкашки, уни кўрган киши ҳар фаслнинг ўз ҳусн-латофати бор деган гапни йил фасллари тўғрисидагина эмас, умр фасллари тўғрисида ҳам айтса бўлар экан, деб қоларди. Унинг битта – иккита қора тук чап бериб қолган оппоқ чўққи соқоли... Ёпиримай, соқол ҳам одамга шунга ярашадими-я!...”¹

Ҳикоя бошланишидан кўз олдимизга барча яхши фазилатларга эга бўлган нуроний қария гавдаланади. А.Қаҳҳорнинг маҳорати шундаки, у ҳикояда қаҳрамон портретини бериш орқали унинг ички дунёсини ҳам очиб берган. Асар давомида муаллиф нутқи орқали қаҳрамонга нисбатан салбий муносабат шаклланаётгани маълум бўлиб боради.

“Шу орада домла қаёққадир кетиб бир ҳафтадан кейин пайдо бўлди. Унинг автобусдан тушиб келаётганини кўрган чойхонадаги одамлар ҳанг-манг бўлиб қолишди; чол ўлгур

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 117-бет.

соқолини, шундай чиройли соқолини, таг-туги билан қирдириб ташлабди! Ачинмаган, хафа бўлмаган одам қолмади”¹.

Ушбу парчадаги “чол ўлгур” жумласи орқали маҳалладошларнинг чолга муносабатини ўзгарганлигини пайқаш мумкин.

“А.Қаҳҳорнинг ҳарактер яратиш маҳоратида яна бир ўзига хос томони бор – у характерларни тасвирлар экан, уларнинг фаолиятига, ҳатти-ҳаракатига аралаша бермайди, худди уларнинг тақдирига бефарқ қараётгандек “яхши”ни ҳам, “ёмон”ни ҳам лоқайд тасвирлаётгандай туюлади. Аслида эса, албатта, бундай эмас... Характерлар тасвиридаги лоқайдлик, аслида лоқайдлик эмас, ўқувчининг қалбига кучлироқ таъсир қилиш имконини берадиган восита”².

Ушбу фикрлар “Тўйда аза” ҳикояси учун ҳам мос бўлиб, бунда ҳам муаллиф асосий воқеалар жараёнидан четга чиқиб туради ва воқеликка холис муносабат билдиради. Домла ҳақидаги гаплар асосан маҳалла, маҳалладаги кишилар, чойхонадаги одамлар тилидан гапирилади. Мухторхон домланинг уйланишини эшитиб маҳалла ахлининг қувончи, кўрмаган бўлсалар-да келинни ғойибона яхши кўриб қолишларию, домланинг ўзгараётгани ҳам маҳалла ахлининг назари, ўзаро суҳбатлари орқали берилган.

- Маҳалламизнинг толеи бор экан, - дейишар эди. – Домла отахонимиз эдилар, келинимиз бизга онахон бўладилар...”

¹ Ўша китоб. 119-бет.

² Шарафиддинов О.А.Қаҳҳор. – Т., “Ёш гвардия” нашриёти. 1988 123-бет.

“... Домлага ҳеч бир ғубор кўнинишини истамаган бошқалар бу икки гуноҳни бир-бирига егизиб, уни оқлашга тиришди:

- Домламиз бирон хаёлга бориб, соқолини қирдиргану ҳозир пушаймон, уялганидан бизга рўпара бўлмади...”¹

Маҳалладошларининг домлани оқлашига сабаб Мухторхон Мансуров барчанинг кўнглини оладиган, уларнинг қалбига йўл топа олган киши эди. Шундай одамдан ҳар бир киши кўнгли совишини истамас, отахонни безаб турган одамовилигию нуроний чеҳрасини юракларидан ўчириб ташлашни хоҳлашмас эдилар. Лекин ушбу фикрларга қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд эди:

“Баъзи бировларнинг кўнглига аллақандай жирканч, домланинг шаънига ҳеч тўғри келмайдиган гаплар келди... Шунда маҳалланинг қарияларидан Карим ота ҳозир баъзи бировларнинг кўнглига келган гапдан ҳам хунукроқ бир тахминни айтиб қолди:

- Хайр, ишқилиб охири бахайр бўлсин, - деди, - келинимиз ёшга ўхшайди... Қиз бўлмаса деб қўрқаман!

Карим отанинг бу тахмини, домланинг кейинги вақтлардаги рафторига қараганда эҳтимолдан узоқ бўлмаса ҳам, одамларга қаттиқ малол келди. Бир икки киши Карим отанинг дилини оғритди”².

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 118-бет.

² Ўша китоб. 119-бет.

Ҳикоя давомида яна Мухторхон Мансуровнинг портретига дуч келамиз: “Домла, бошида чамандагул тўппи, эгнида калта ва тор шим, катак кўйлак, енгини баланд шимарган, билагида каттакон тилла соат, ўзи якка пиво ичиб ўтирган эмиш!”¹. Домланинг бундай кўриниши ҳар бир кишида қизиқиш уйғотади. Шундай дилкаш, шундай истарали домла нега бундай масҳарали ва ҳунук ахволга тушиб қолди. Унинг маънавияти тубанлашгани, бачкана, номақул одатлар орттиргани ҳар бир кишини ғазабини кўзғайди. Одамларни дил-дилига кириб бориб, кўнглидан жой эгаллаб, барчанинг ҳурматиغا сазовор бўлган домла, нега бундай тубанлашиб, таназзулга юз берди экан. Шунда биз домланинг уйланиши, айти пайтда ўз талабаси 20 яшар жувонга уйланаётганини биламиз.

Тўй куни домла тарфдан борган Карим ота Мансуров домланинг портрети билан боғлиқ яна бир ўзгариш ҳақида хабар беради:

- Ҳа, айтгандай, - деди Карим ота пиқирлаб кулиб, - домла сочларини бўятибдилар!.. Азбаройи худо, куя тушган пўстакка ўхшайди!.. Майли, бўёқ топилган бўлса бўясин, лекин шу бўёқ қилиғини ҳам бўяшга, сочига мос қилиқлар қилишга уринса унча яхши чиқмас экан².

Шундай дилкаш, маҳалланинг ҳурматиغا сазовор бўлган, маҳалланинг жами одамларининг дилдошига айланган

¹ Ўша китоб. 118-бет.

² Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Фулум номидаги нашриёт-матбаа уйи. 120-бет.

оқсоқолни, одамлардан айирган, кўни-кўшнисининг ҳурмати ўрнига, ғазаб ва нафратига сабабчи бўлган жувонни, маҳалла аҳли кўришга ошиқади.

Ёзувчи қизни ортиқча таърифлаб, ёки қора бўёққа чаплаб унинг характерию тарихи ҳақида бирон нима демайди, портрети орқали ўқувчига унинг қандай қиз экани кўринади: “Келин дарҳақиқат ёш, лекин ҳудди қизиқчиликка семиргандай юм-юмалоқ: эгнига енгсиз қизил кўйлак, бошида попушакнинг тожиги ўхшаган қизил шляпа; кўлидаги сумкаси, оёғидаги пошнаси бир қарич туфлиси ҳам қизил”¹. Жувоннинг қандайлиги икки-уч жумла орқали кўрсатиб берилган. Ёзувчи бу аёлга бериладиган тавсифни ўзи четга чиқиб турган ҳолда маҳалла одамлари назари орқали ифодалашга интилади. Келинни кўриш учун борган аёллар тилидан кўнглидаги тасвирни беради:

“Уни адоват ва нафрат билан бошдан оёқ кузатган аёллардан бири бурилиб ательедан чиқиб кетар экан:

- Хўрозқандга ўхшамай ўл! – деди
- Қариган чоғида хўрозқанд яламай домла ҳам ўлсин! – деди яна бири”².

Бундай сатангга хўрозқанд деб ном берилишида ўзига яраша маъно англашилади. Маълумки, қизил рангнинг ўзига хос хусусиятлари қаторида унинг жалб қилувчилик хусусияти ҳам мавжудлиги барчамизга сир эмас. А.Қаҳҳор қизни бу

¹Ўша китоб.119-бет.

² Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Фулум номидаги нашриёт-матбаа уйи. 119-бет.

рангдаги кийимда тасвирлашига сабаб деб, унинг енгил табиатли эканлигига ишора қилиш, дейиш ҳам мумкин. Қизга хўрозқанд лақаби берилишида ҳам худди шу маъно яширинган, яъни ширин нарсага пашша айланиши назарда тутилган.

Бу лақабнинг дарров тарқалиб кетиши, домлани йўлдан уриши билан маҳалланинг файзини ўғирлаган, одамларнинг дилини ҳамиша ёритиб турадиган маънавий чироқни сўндирган бу аёлни кўрган ҳам, кўрмаган ҳам “тошни тешадиган” бир ғазаб билан ёмон кўриб қолади. Қолаверса, одамлардаги бу ғазаб шунга олиб келдики, домла деганда одамларнинг кўнглига ғашлик тушадиган бўлиб қолади. Домла шу нарсани сезиб одамларнинг кўзига кўринмасликка тиришадиган бўлади. Ҳикоя давомида домла фақат тиришиб, чираниб, зўрма-зўраки яшайди, ёшига тўғри келмайдиган ҳаракатлар қилади: парқда ароқ ва пивони қўшиб ичиб ўтириши, шундай чиройли оппоқ соқолини қирдириб олиб ташлаши-ю тўйида ёш жувонга қўшилиб қарсак чалиб, ашула айтиши кабилар ҳаммаси унинг маънавий таназзулини далолатлайди.

Ёшига ярашмаган қилиқлари билан домла маҳалладаги инсонлар қалбида аллақачон ўлиб бўлган эди. Хўрозқанд келин ва шармандаси чиққан домланинг тўйи ўзлари учун тўй бўладиган бўлса, одамлар учун домланинг азаси эди. Ҳикоянинг номланиши ҳам бежизга “Тўйда аза” деб аталган

эмас. Лирикадаги оксиморон усули, яъни иккита зид тушунчани ёнма-ён келтириш орқали маънони кучайтириш айнан мана шу сарлавҳада кўзга ташланади. Тўйдаги аза домланинг фақат жисман қазо қилиши эмас, унинг руҳан, маънан ҳам қазо қилишидан далолат беради.

“Хўрозқанд” келиннинг бир-икки рюмка ичгандан кейин аламидан чидолмай ўйинга тушиши, унинг психологиясидаги ўзига хос жиҳатлардан дарак беради ва китобхоннинг нафратига дучор бўлади Адабиётшунос олим У.Ўлжабоев А.Қаҳҳорнинг маҳорати хақида шундай ёзади: “Ҳар бир вазиятдаги қаҳрамон ҳолатини унинг ички дунёси билан мутаносибликда кўрсатишга муваффақ бўлади. Характерлар талқинидаги ҳаракат, ҳолат ва руҳият иродаси санъаткорлик билан топилган ёрқин деталлар воситасида ўқувчига етказилади”¹. Дарҳақиқат, Мухторхон Мансуровнинг портрети ҳар бир ҳаракати унинг қандай ёмон вазиятга тушиб қолганини кўрсатади.

“...Домланинг фикр-ёди ўзини иложи борича ёш кўрсатишда бўлиб қолди. У нима қилса, нима деса шуни эсдан чиқармас, ёш эканини кўрсатиш учун қулай келган ҳеч бир имкониятни қўлдан бермас “ҳали ёшсиз” деган кишига жонини, жаҳонини беришга тайёр эди”².

Кўринадикки, домланинг тенги-тенгдоши бўлмаган инсон билан яшаш истаги ўзининг маънавий таназзулига сабаб

¹ Ўлжабоев У. Абдулла Қаҳҳор сабоқлари. Гулистон. 2013. 28-бет.

² Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 120-бет.

бўлмоқда. Ушбу истак замирида маънавияти пуч одамнинг психологияси яширинганлиги барча муаммоларнинг асоси бўлаётгани ҳикоядан англашилади.

Инсон мисқоллаб йиққан обрўсини бир зумда ҳавога учириб юбориши мумкин. Агар у иродали, ҳақиқатдан чин инсон бўлмаса. Юқорида жумлалардан англашимиз мумкинки, инсонлар кўнглидан жой олиш осон эмас. Маҳалланинг ғазабига дучор бўлган домла уларнинг қалбида совиган чўғдек ўчади. Маҳалла назари орқали домлани дилкашлигию хўрозқандга уйланиши маҳорат билан тасвирланган.

“Абдулла Қаҳҳорнинг ҳажвий ҳикояларида сатирик характерлар жуда ҳаётий бўлиб, ёрқин ва қабарик чизилгандир. Тўғри, ёзувчи ҳеч қайси ҳикояда қаҳрамон характерини бутун тарихи билан кўрсатмайди, унинг такомил жараёни билан таништирамайди. Шунингдек, қаҳрамонлар психологиясини чизганда, аниқроғи, уларнинг хатти-ҳаракатини психологик жиҳатдан далиллаганда муаллиф бирор ўринда ортиқча тафсилот, ноўрин чекланишларга йўл қўймайди. У асосан, бирор конкрет деталь ёрдамида ёхуд битта-иккита ҳаракат орқали характерни очади., ҳатто айрим ҳикояларда уч-тўрт ибора орқали берилган нутқ тугал бир қиёфага эга бўлган ҳаётий характер чизилади”¹.

¹ Шарафиддинов О.А.Қаҳҳор. – Т., “Ёш гвардия” нашриёти. 1988 121-бет.

Юқоридаги таҳлиллардан маҳалладошларининг домла ва “хўрозқанд” хусусидаги сўзлари ҳар иккаласининг характерини очиб берганлигига гувоҳ бўлдик. Ҳикоянинг бирор ўрнида асосий қаҳрамонлар нутқидан фойдаланилмаганлигини ҳисобга олсак, ушбу асарда кўпроқ эпизодик образлар нутқи аҳамиятли эканлигини англаш мумкин.

Характерни очиб берувчи бадиий деталлар асарда анчагина эканлиги адабиётшунослар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, портрет деталлар сирасига кирувчи, домланинг соқоли, “хўрозқанд”нинг қизил кийими, домланинг аввал кийиб юрадиган ва кейинчалик кийган кийимлари шу вазифани бажаради. Домланинг бўялган, лекин ўзига ярашмаган сочи ҳам портрет детал бўла олади.

Ҳикоядаги психологик деталларга келиннинг ва домланинг тўйлари вақтидаги хатти-ҳаракатлари, домланинг келин болани санаторийга олиб кетиш чоғидаги ҳолатини мисол тариқасида келтириш мумкин:

“Кечқурун эшик олдига кўкиш такси кўндаланг бўлди. Домла, куни бўйи елиб-югуриб ҳолдан тойганига қарамай, иккита оғир чамадонни машинага ўзи олиб чиқди ва багажникка ўз қўли билан жойлади; ўша енгсиз қизил кўйлагини, қизил шляпасини кийиб ҳовлидан яна хўрозқанд

бўлиб чиққан келинга машинанинг эшигини очиб берди, кейин чиқиб ёнига ўтирди”¹.

Бунда домланинг ортиқча чираниши унинг хатти-ҳаракати, хусусан, хўрозқанднинг “чучкириш” касалига даво бўладиган денгиз бўйларига путёвка топиш учун ҳаддан ортиқ елиб-югуриши, чамадонларни машинага ўзи олиб чиқиши орқали кўрстилган. Бу ҳаракатлар кейин ҳам давом эттирилади. Домла юриб кетаётган машинадан тушиб қолган иккита чамадонни бошқаларга бермай ўзи олиб бориши натижасида зўриқиб машинанинг ичида вафот этиши, яъни фожеасига ҳам ўзининг зўрма-зўраки ҳаракатлари сабаб бўлганлиги унинг характерини кўрсатувчи омиллардир.

“Абдулла Қаҳҳор “Тўйда аза”да юмористик танқид тиғини ҳар иккала образга тенг қаратган. У на домлага ён босди, на ёш жувонга. Ҳар иккаласини ҳам бараварига қоралайди, масхара қилади, улардан заҳарханда кулади”²...

Кўринадики, ушбу ҳикоя китобхонга ибратли сабоқ бўлади. Тўғри яшашга ўргатади, фикрни уйғотади, маънавий дунёсини янада бойитади.

“Хотинлар” ҳикоясида инсон матонатининг ифодаси

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари халқимиз томонидан маънавий бойлик сифатида қадрланиб келинмоқда. Унинг

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 120-бет.

² Қўшжонов М. ААбдулла Қаҳҳор ижодида стира ва юмор. – Т., Фан, 1973. 112-бет.

“Нурли чўққилар”, “Майиз емаган хотин”, “Хотинлар” ҳикоялари кишиларни эзулик руҳида тарбиялаш, уларга эстетик завқ беришга қаратилган. Муҳими шундаки, адиб ҳикояларида китобхонга маънавий озуқа бериш учун насиҳат қилиш, баён этиш йўли билан эришмайди. Балки қаҳрамонлар фаолияти, асарнинг умумий руҳидан усталлик билан келтириб чиқаради.

“Хотинлар” ҳикояси уруш йилларида ёзилган ҳикоя бўлиб, ёзувчи уруш бўлаётган бир пайтда аёлларнинг иродаси, матонати, меҳру оқибатини маҳорат билан тасвирлаб берган.

Асарга биринчилардан кириб келган персонаж Собирахон бўлиб, унинг хатти-ҳаракати ва гап-сўзлари, шунингдек, унга бошқа инсонларнинг муносабатлари унинг характерини тавсифлайди.

“... Бироқ ҳаш-паш дегунча етти-саккиз чоқли хотин-халаж тўпланиб бу гапларнинг мавриди бўлмай қолди. Булар Собирахоннинг ёру дўстлари, ўртоқлари эди. Асқар ота бу ҳурматли жувон бошқа хотинлардан рафтори билан ажралиб турар деган бир ўйда эди, бироқ Собирахон ёру дўстлари орасида шуларнинг бири бўлиб қолганини кўриб, ажабланди. Булар кимнингдир уйига киришганда, Собирахон ҳатто тўрга ўтгани ҳам унамади”¹.

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 82-бет.

Бу парчадан Собирахонда манманлик ёки иззатталаблик йўқ бўлган самимий инсонлардан бири эканлиги маълум бўлади.

Ўз ҳалол меҳнати туфайли катта обрўга, иззат-икромга сазовор бўлган Собирахон фронт ортидаги ёрини бир зумга унутмаган ҳолда сабр ва чидам билан МТСда ишлайди. Собирахон ва Асқар отани суҳбатидан билиб олишимиз мумкинки, аёл боши билан бир неча эркакнинг ишини қилиб, ўз хизмати билан фронт ортидагиларга ёрдам беряпти. Собирахонга оддий кўз билан қараган Асқар ота кейинчалик унинг шижоатига қойил қолади. Бошида “уй қизи” бўлиб кейинчалик Комила опани ёрдами билан тракторчи бўлиб олади. Собирахон меҳнаткаш аёлгина бўлиб қолмай, балки ақлли, фаросатли, садоқатли ёр ҳамдир. Буни эса эрига жўнатган мактубидан билиб олиш мумкин.

Уруш даврида аёллар янада матонатли, жасоратли бўлишган. Кўп қийинчиликларни бошидан кечирсалар-да, иродаларини букмай яшашда давом этишган. Асқар отани Собирахондай жувонга ҳурмати ортиб борар эди. Бироқ унинг ўртоқларини кўргач, Собирахон шулардан бири эканлигига гувоҳ бўлади.

“Хотинлар”да А.Қаҳҳорнинг бошқа ҳикояларидан фарқли ўлароқ, персонажлар кўп. Турган гапки, жанр имкониятида улар ҳақида атрофлича маълумот бериш мумкин эмас. Лекин ёзувчининг маҳорати шундаки, бир-икки сўз ёки ишоралар

билан, баъзан қисқа тафсилотлар орқали уларнинг айримлари ҳақида китобхонга керакли маълумотни беришга эришади”¹.

Бунда, албатта, Асқар ота нигоҳи муҳим роль ўйнайди. Бундай персонажлар сирасига “оқсоқол”, Рисолат ва Қумри образларини киритиш мумкин. Уларнинг ўзаро айтган бир-икки оғиз гаплари характерларини тавсифлайди.

Бу ҳикояда хат шаклига бир неча бор мурожаат қилинган. Ҳикоя композициясида Баҳрининг йигитига йўллаган хати, йигитининг Баҳрига жўнатган номаси ихчам сюжет яратган. Ҳаёт ҳақиқатини таъсирли қилиб очиб берган.

Ҳикояда ҳақиқий муҳаббат, вафо, ёрига садоқат Баҳри образи орқали очиб берилган. “Агар сиздан бўлакни десам душман отган ўқлардан бирига кўксим нишона бўлсин”, деб айтган гапи урушга кетаётган йигитига ўз ваъдаси эди.

“Асқар отанинг назарида Баҳрининг бу сўзи гул кўтариб, ашула айтиб оҳ чекиб, зўр келганда хатто пича кўз ёши тўкиб арз қилинадиган, лекин анчайин қаршиликка учраса чок – чокидан сўкилиб кетадиган муносабатнинг эмас, гулсиз кўз ёшисиз арз қилинадиган ва қаршиликка учраган сайин камол топадиган муносабатнинг ифодаси эди. Биринчи хил муҳаббат тилда, иккинчи хил муҳаббат дилда бўлади”².

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек уруш даври қийинчиликларида, инсонлар бир-бирига суянчи таянч бўлиб

¹ Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъуллиги. – Т., Ўзбекистон, 2012. 47-бет.

² Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 84-бет.

яшаётган бир пайтда ҳам иродаси бўш, фақат ўз манфаатини ўйловчи вафосиз, хиёнаткор аёллар ҳам бўлган. Ҳикояда буни Умри образи орқали кўришимиз мумкин. Асқар отага Умри ҳақида Собирахон айтиб беради.

Умрининг эрини кузатар чоғидаги артистона – сохта ҳолати қуйидагича киноявий усул билан баён қилинади:

“Агар муҳаббат шундай кезларда тўкиладиган кўз ёши билан ўлчанса, юзта Ширину юзта Лайлининг муҳаббати буникига урпоқ ҳам бўлмас эди. “Жудолик” деган сўз бино бўлгандан бери бунақа кўз ёшини кўрмагандир... Ана йиғию мана йиғи!”¹

Умри каби аёллар ҳеч қандай қабихликдан қайтмаслиги ўз ерини номига қора хат ёзмоқчи бўлганлиги, унинг қанчалик тубан эканлигидан дарак беради. Бундай юзсиз аёллардан жирканиши ҳатто эслашни ҳам хоҳламаслиги Собирахон каби пок виждонли садоқатли аёлларнинг ички дунёси нечоғлиқ гўзал эканлигини очиб беради.

Рисолат айтиб бераётган ҳикоянинг “куним битган бўлсаю ўқ тегса “Онажон”! деб йиқилармикинман, “Умрихон!” деб йиқилармикинман?” деб фронтдан хат ёзган эрини ўз кўнгил хушлиги учун ҳеч иккиланмай ўлдига чиқармоқчи, бировга келган “қора хат” ни ўз номига ёзиб олмоқчи бўлган жойларига келганда Асқар ота отни тўхтатиб, икки қўлини кўтариб беихтиёр

¹ Ўша китоб. 88-бет.

- Илоҳи омин!” деб юборди. Кейинги тасвир шундай давом этади. Ҳамма тўхтаб унга қаради. Унинг кўзларидан оппоқ соқолига қатра-қатра ёш томар эди.
- Илоҳи омин! Шу аёлнинг кўзи оқиб тушсину Ғаффоржон соғ-саломат келиб, уни кўча-кўйда етаклаб юрсин! Худоё худованда, шу ёшга кириб даргоҳингда ҳеч нарса сўраган эмас эдим¹...

“Кекса отахон тилидан айтилаётган бу гаплар “юрт қайғусида ҳамма нарсани унутган, азоб чекаётган, оғир жуда оғир меҳнатда тасалли топаётган бошқа хотин-қизларнинг кўплаб кишиларнинг, халқнинг номидан чиқарилаётган ҳукмдай бўлиб жаранглайди².

Ушбу ҳикояда инсон маънавияти Собирахон, Баҳри каби уруш даври оғир синовларидан матонати билан ўтиб келаётган аёллар талқинида ҳам, Умри каби беномус, бевафо, виждонсиз кимсалар мисолида ҳам акс эттирилган.

“Маҳалла” ҳикоясида инсонлараро меҳр-оқибат туйғуларининг ифодаланиши

Инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат туйғуларининг ўзига хос ифодаси акс эттирилган асарлардан бири “Маҳалла” ҳикояси бўлиб, унда бир умидсизликка тушган инсоннинг маҳалладагиларнинг самимий муносабатлари орқали ҳаётга қайтарилганлиги кўрсатилган.

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 90-бет

² Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъуллиги. – Т., Ўзбекистон, 2012. 50-бет.

Ҳикояга Эркин Воҳидовнинг инсонларнинг меҳр қуёши одамзодга жон бахш этиши ҳақидаги тўртлиги эпиграф қилиб танланган. Бу асарнинг моҳиятини тўлақонли қамрайди. Ҳикоя Роҳат буви ва Ҳикмат буваларнинг эллик уч йиллик ўзига хос ҳаёт тарзи: "... эллик уч йилдан бери меҳр аталмиш улкан туйғу риштасини пилла қуртидай бир маромда аста-секин чувиб, бир-бирининг қалбини ўраб-чулғаб келган..." умрларининг кампирнинг ўлими сабабли завол топиши, сўнгра ёлғиз қолган Ҳикмат буванинг ёлғизликдан изтироб чекиши кабилар акс эттирилган:

Ҳикмат буванинг изтироблари унинг болалари қилаётган ғамхўрликлар кучайгани сари баттар ошиб бориши тасвири билан акс эттирилган. Фарзандлари нима қилсалар, "Онанг борида шу ишни қилмадинг" қабелидаги гаплари билан жавоб қайтариши унинг руҳиятини далолатлайди. Унинг ҳолати бир пой эски калиш детали орқали изоҳланади. Чунки ўша калишни кампири оёғи оғриб қолганида кийган бўлади. Бундан чол болаларини кампирини яхши қаратмаганликларида айблайди. Бир куни у йўқолиб қолади. Кейинчалик билишса, у қабристонга бориб, кампирининг ёнидан гўр қазитиб қайтади. Лекин уйига қайтаётган чоғида бир чўткачи унинг ахволини кўриб, унга бир пиёла чой тутиб айтган гаплари чол руҳиятининг ўзгаришига сабаб бўлади:

- Хафа бўлмай юрибсизми, отахон... Кампир онам аломат аёл эдилар... сиз ўша куни ўзингиз билан

ўзингиз овора бўлиб таъзияга келга одамларни пайқамадингиз... Ана одаму... Маҳаллага сиғмай кетди! Маҳалламизнинг кўчаси бир метр чўқди!.. Кампир онам дунёга келиб одам экан эканлар. Дунёга келган одам аввалбоши одам экиши керак экан. Мен ибрат олдим¹...

Ҳикоянинг яна бир эпизодик қаҳрамони бўлган маҳаллалик шифокор Ҳикмат буванинг ахволини кўриб, у ҳам кампирдан гап очади:

- Онахонимиз таърифга сиғмайдиган аёл эдилар, шунча одам бекорга келгани йўқ! Лекин, отахон, маҳалламизга бирон саккиз челақли битта самовар керак экан, ўша куни жуда-жуда билинди. Маҳалладан пул йиғсак, хонадонга неча пулдан тушади?

Чолнинг ҳамияти қўзғаб кетди.

- Ўғлим билан келинимнинг битта самоварга кучи етиб қолар, - деди.

Шифокор ундан шу гапни кутган эканми, жилмайиб қўйди². Мана шу жилмайишнинг тагида чолни ҳаётга қайтариш, унинг дардига кўпчиликнинг дарди орқали малҳам қўйиш фикри яширинган эди. Чол ҳақиқатан ҳам, маҳалланинг тўй-мъракаларида ишлатиладиган идиш-товоқ, самовару қозонгача жамлаб, уларни тартиб билан ишлатилишини йўлга қўйиб олади, ўзи учун қаздирган гўрини бошқаларга беришни

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 124-бет

² Ўша китоб. 124-бет

қабристон мудиридан сўраб хат ёзиши билан асар якунланади.

“Ёзувчи мазкур ҳикояда кампирининг вафотидан сўнг ўлим васвасасига тушиб қолган бир инсоннинг бундай тушкун бир кайфиятдан маҳалладошлари ва атрофидаги одамларнинг меҳри, эътибори туфайли қандай кутилганини, ҳаётга қандай қайтганини ўта табиий, жонли, ҳаётий ва содда тасвирларда беришга муваффақ бўлган”¹.

Ушбу ҳикояда илгари сурилган ҳаётий муаммо, яъни инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва ҳамдардлик туйғуларининг акс этиши бугунги кунимизнинг ҳам муаммоларидандир.

А.Қаҳҳорнинг “Тўйда аза” ҳикоясида шахс фожеси талқини масаласи ва “Хотинлар” ҳикоясида инсон матонати ифодаси ҳамда “Маҳалла” ҳикоясида инсонлараро меҳр-оқибат туйғуларининг ифодаланиши масалалари ва юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. А.Қаҳҳор Мухторхон Мансуров образи орқали ўз имконияти даражасини ҳисобга олмай, номуносиб хатти-ҳаракатлари орқали таназзулга юз тутган инсонлар фожеасини кўрсатади;
2. Адиб шахс фожеаси талқинида нутқ унсурлари ва бадиий деталлардан унумли фойдаланади. Қаҳрамонлар психологияси уларнинг хатти-ҳаракатлари орқали очиб берилади.

¹ Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъуллиги. – Т., Ўзбекистон, 2012. 44-бет.

3. “Хотинлар” ҳикоясида инсон матонати масаласи Собирахон ёки Баҳрихон каби аёлларнинг характерини Умри каби тубан кимсаларга қарама-қарши қўйиш орқали кўрсатилади.
4. Мақсадга эришиш йўлида ёзувчи персонажлар нутқи ва Асқар ота нигоҳидан унумли фойдаланади.
5. “Маҳалла” ҳикоясида инсонлараро меҳр-оқибат туйғуларининг ифодаланиши асарда Ҳикмат бува образига маҳалладошлар, хусусан, чўткачи ва шифокор нутқи орқали таъсир этиши жараёни билан ифодаланади.
6. Ҳикояда маънавий мадад масаласи маҳалладошлар сиймосида персонаж нутқи ва психологик ҳолатлар ифодасида ишонарли тавсифланган.

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг қўйилиши масаласи ҳажвий ҳикояларда аччиқ заҳарханда – сарказм орқали қаҳрамонлар характери тавсифланган бўлса, бошқаларида ёзувчининг сўз қўллаш маҳорати орқали талқин этилган. Ушбу ҳикоялар маънавиятимиз хазинасида бебаҳо бойлик сифатида ардоқланади.

II БОБ. Маънавият ва руҳият уйғунлиги

Аёл маънавияти – бош масала

А.Қаҳҳор ҳикояларида турмушидаги иллатларни фош қилади. Ахлоқсиз одамлар устидан аччиқ кулади. А.Қаҳҳорнинг 30 йиллардаги ижодининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, унда айрим шахслар онгида сақланиб қолган иллатларни қоралаш фонида ажойиб инсоний фазилатлар тарғиб қилинади. Унинг “Майиз емаган хотин” ҳикоясида ўша даврдаги янгилик билан эскилик ўртасидаги ҳаёт-мамот кураши тасвирлаган ва ўзига хос характерлар яратилган. Ҳикояда янгиликларнинг душмани бўлган мулла Норқўзининг сатирик образи усталик билан чизилган. Ушбу образ моҳиятан А.Қодирийнинг Калвак маҳзумини эслатади.

Бу ҳикоянинг мавзуси ўша хотин-қизларнинг паранжи ташлаши мавзуси доирасида талқин этилган бўлса-да, унда кўтарилган асосий мавзу ғийбатчлик ва маънавий бузуқликни қоралаш ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

“... Бундоқ қараганда бу гаплар ҳозирги кунга келиб жуда эскириб кетгандек туюлади. Лекин ундаги одамлар характери, бу одамларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ тасвирлар шу кунларда ҳам ўқувчини ўзига жалб этади. Ғийбат, фисқу фасод деган нарсалар ўша пайтда қандай

тубан, жирканч хусусият саналган бўлса, ҳозир ҳам унга муносабат шундайлигича, ўзгармасдан турибди”¹.

Маънавий жиҳати заиф, эркак киши бўлса ҳам аёллар каби эртадан кечгача ғийбатчилик қилиб ўтирадиган одамни тасаввур қилинг. Бу одамни фақат салбий тавсифлаш мумкин.

- Аёл киши эркакка қўл бериб сўрашдими – бас!.. Рўза тутган киши оғзини чайқаса, сув томоғига кетмаса ҳамки, рўзаси очилади – шу оғиз чайқашдан баҳра олади-да! Абдулҳакимнинг қизига уста Маавлоннинг ўғли бир ҳовуч майиз берганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳаё борми шуларда? Шариат йўли – ҳўп йўл. Ўн бир яшарида паранжи ёпинмаган қиздан қўлни ювиб қўлтиққа ура беринг. Паранжи ҳаёнинг пардаси-да!²

Кўринадики, Мулла Норқўзи характери ҳикоянинг бошланишидаёқ ўз нутқи орқали ошкор этилмоқда. Яъни, ёзувчи персонаж нутқидан унумли фойдаланиш орқали характерларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатади. Бу образнинг қиладиган кунлик юмуши ҳақида асарда анча батафсил маълумот берилади.

“Мулла Норқўзи ҳар куни бозордан қайтиб самоварга чиқади ва кўнгли тортган одамларни атрофига тўплаб , ярим

¹ Ўлжабоев У. Абдулла Қаҳҳор сабоқлари. Гулистон. 2013. 13-бет.

² Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 31-бет

кечагача шариатдан юз ўгирган хотинлар тўғрисида шундай вайсаб ўтиради; баъзан панжасини ёзиб, ўзи билган оилаларни санаб чиқади...

Очиқ хотин-қизларнинг ҳар бир ҳаракатидан мулла Норқўзи бузуқликка далолат қиладиган талай белгилар топади. “Етти қават парда ичида” ўтирадиган ўз хотини эса булар қаршисида кўзига фаришта бўлиб кўринади: номоз ўқийди, тўпиғидан юқорисини овраг ҳисоблаб, жиякли иштон кияди...”¹.

Ҳикояда ёзувчи мулла Норқўзи характерини очишда ўткир киноя усулидан усталик билан фойдаланилган. Ҳикоя воқеаси кутилмаган жойда, яъни мулла Норқўзи хотинининг ўйнаш билан қўлга тушиши манзараси тасвири билан тугайди. Бу ечим ёзувчининг оз гапириб, кўп маъно англатишга “сўзсиз манзара” яратишга моҳирлигидан гувоҳлик беради. Ҳикоя охирида иккинчи даражали бир персонаж: “Ҳа, бу кишининг хотини майиз емаган”, - дея асар воқеасини якунлайди. Бу ҳикояда ҳеч қандай ғайритабиийлик ва ортиқчалик йўқ. Унда ҳар бир образ, ҳар бир детал ва жумланинг ўз ўрни ва ўз вазифаси бор.

Бу сўзлардан Мулла Норқўзининг қанчалик тубан, ўз хотинини эплломайдю, лекин бошқаларни чайнашдан тўхтамайдиган, калтабин, фиску фасодчи одам эканлигини билиб оламиз.

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 31-бет

Ҳикояда иккинчи образ – Мулла Норқўзининг хотини лақма эрини қандай қилиб сувга обориб, суғормай келаётгани, ўз уйида, ёнида бошқаси билан дон олишиб юргани тасвирланган. Паранжи ёпадиган, “очиқ аёлларнинг юзини кўрмайман”, деб онт ичган, очиқ хотинлар орасига кириб қолса анча пайт таъби кир, бўлиб юрадиган бу хотин аслида бошқа бировнинг эри билан ўн кунлаб, ҳафталаб яшаб юради. Мулла Норқўзи шунчалик лақмаки, ҳатто хотинининг дугонасининг овозини эшитмаган. Лекин мулла Норқўзи хотинининг олдига келадиган “дугонаси” ҳақида шундай фикрда:

“... Агар фаришта илгари ўтган бўлса – шунинг онаси, энди туғилса – шунинг боласи бўлади, агар ҳозир ер юзида бўлса – шу хотиннинг ўзи. Шунча келади, ҳафталаб, ўн кунлаб туриб қолади, наинки шу чоққача мулла Норқўзи товушини эшитмаса!”¹

Хотини ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан унинг ишончини янада ошириб боради. Пастлаб учган самалётни кўриб қолган хотини, ўзини панага олмоқчи бўлсади, Маккаи Муккаррамадан келган суратдаги хожиларнинг кўзини игна билан ўйиб қўйиши унинг нақадар “поқдомон” эканлигига эрини ишонтира олади.

Мулла Норқўзи шунчалик калтафаҳмки, кўз олдида бўлган ишларни ҳам англаб етолмайди. У ҳар доимгидек

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 32-бет

самоварда вайсаб ўтирганида, унинг интиҳосиз гапларидан зериккан бир киши унга тушунтирмоқчи бўлади.

– Нега кўчада юради? Кўчада паранжилик юрса ҳам айнийди-да! Тўғриси айтилми? Паранжилик хотин ҳаром ишга яқинроқ бўлади, Сабаб денг! Агар сиз юзига кулиб қарамасангиз, деворга шоти қўйиб кўчага мўралайди; кўйлаклик олиб бермасангиз, том орқасидан кўйлаклик узатадиган чиқиб қолади. Очилган хотин-чи, кўйлак олиб бермасангиз ўзи ишлаб, ўзи олади”¹.

Мулла Норқўзи сафарга кетадиган бўлиб қолганида ҳар доимгидай уйига келиб турадиган хотинининг “фаришта дугонаси”нинг бу сафарги кирдикорлари нотаниш аёлнинг дод-фарёд қилиб келиб, Мулла Норқўзига ташланиб ҳақиқатни айтгач, дод-фарёд овозига йиғилган одамлар “фаришта”ни ичкаридан судраб чиққанидан сўнг очилади, ким эканлиги ошкор бўлади. Маълум бўлишича, у эркак киши бўлиб, ҳар доим паранжида келиб, мулла Норқўзининг уйида унинг хотини билан дон олишиб юрар экан: “У атлас кўйлак, лозим кийган, бош ялаанг, оёқ яланг, ёшгина чиройли бир йигит эди. Ҳамма жим қолди. Бу сукунатни етмиш ёшлардаги чол бузди. У мулла Норқўзига қўлини пахса қилиб деди:

- Садқаи одам кетинг-э, айб эмасми?! Хотин қилиш кўлингиздан келмаса талоқ қилинг! Қўйинг-э, кўчиб кетинг маҳалладан, ё биз кўчиб кетамиз!..”

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 33-бет

- Ҳу ўл, турқинг қурсин! Бошинга солайми шу билан! Маҳаллада сасиб, ўқувчи қизларга кун бермайсану, ўзинг нотўғри иш қиласан¹...

Мулла Норқўзи бундай ҳолда қандай йўл тутишни ҳам билмайди, лекин ўзининг ғийбатчилигини ҳам қўймайди. Чунки кейинги сўзларни айтган, девор устида турган қизчага қарата барибир ўз бўҳтонларни ёғдиришга уриниши унинг маънан бузуқ инсон эканлигини далолатлайди:

- Сен гапирма! Сенга ким қўйибди гапиришни! Уста Мавлоннинг ўғлидан бир ҳовуч майиз олганингни ўз кўзим билан кўрганман!..

Ҳамма кулиб юборди. Томдан кимдир қичқирди:

- Ҳа, бу кишининг хотини майиз емаган!²

Кўринадик, А.Қаҳҳорнинг ушбу ҳажвий ҳикояси ҳам маънавий-ахлоқий муаммоларни бартараф қилишга қаратилган, кишиларнинг онгига шу йўл билан таъсир кўрсатишга мўлжалланган ҳикоялардан.

“...Бу – юсак истеъдод билан яратилган ва бадиий жиҳатдан етук бўлган асарлар, улар қачон ёзилганидан қатъий назар, узоқ умр кўришини, ўқувчининг маънавий-эстетик эҳтиёжига ҳамиша жавоб бера олишини кўрсатади”³.

¹ Ўша китоб, 36-бет.

² Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 37-бет.

³ Ўлжабоев У. Абдулла Қаҳҳор сабоқлари. Гулистон. 2013. 17-бет.

А.Қаҳҳор инсон образини чизишда, одам характерини яратишда адабиётнинг умумий қонунларига амал қилади. Бу қонунлар асардан қаҳрамоннинг ҳаққоний ва табиий бўлишини, инсоний жозиблага эга бўлишини, ички дунёси кенг очилишини тақозо қилади. А.Қаҳҳор ҳикояларида буларнинг ҳаммаси бор, бироқ булар ўзига ҳос шаклда, бошқа ёзувчиларда учрамайдиган тарзда намоён бўлади.

Ёзувчининг “Нурли чўққилар” ҳикоясида ҳаётда кўп учрайдиган оддий вазиятларнинг инсон руҳига таъсири ва шу таъсир туфайли туғиладиган хатти-ҳаракатлар ёритилган. Бу ҳикоядаги Зухра исмли қиз бош қаҳрамон бўлиб, у катта ҳаёт йўлига энди қадам қўяётган юксак-юксак чўққиларни забт этишни кўзлаган ёш авлоднинг типик образидир. Аммо ўзи ҳақида айтилган гаплардан, мақтовлардан ҳаволаниб, ўз ютуқлари кўзини қамаштириб, йўлини адаштириб қўяди. Оқибатда нурли чўққилар томон эмас, балки саробли ўнқир-чўнқирларда адашиб қолади.

Ҳикоя 9-синф аълочиларидан темир-терсакни ҳаммадан кўп йиғиб, оти радиога тушган ва мактаб маъмуриятдан раҳматлар эшитган Зухраҳон деган қиз йўқолиб қолганлиги ҳақидаги сўзлар билан бошланади. Синфдаги намунали қиз, аълочиларнинг 25 % ни ташкил қилган Зухранинг йўқолиши фақат ота-онасини эмас, бутун қишлоқни оёққа тургазади. Унинг ота-онаси хунук хаёлларга бормаслиги учун, тўғрироғи

уни бирон йигит билан қочиб кетган дейишига тили бормасдан, қизлар билан ўйнаб кетган деб ўйлашади. Ҳикоянинг бош қаҳрамонларидан бўлган Зухранинг йўқолиши айна пайтда унинг опаси, эгизаги Фотимани ҳам ташвишга солади. Шу ўринда ёзувчи ҳикояни жонли, табиий кўриниши учун қаҳрамонларнинг портретини ҳам келтириб ўтади:

“... Зухра ниҳоятда кўзга яқин, бир қараган киши, кўзи хира тортиб, яна қаарагиси келар, хусусан, хонатлас кўйлак кийиб сочини “лайлак уя” қилганида мақтовига “чиройли” деган сўз гоҳ камлик, гоҳ эскилик қилиб қолар эди”¹. Шўх, шаддод Зухрага қараганда Фотима бўштаброқ. Шўхлик ҳусннинг пардози бўлса керак, иккови бир олманинг икки палласи бўлса ҳам Зухранинг олдига истараси сўникроқ эди. Эгизаклардан бири Фотиманинг портретини бундай чизилишидан ёзувчининг мақсадини пайқаш қийин эмас. Қизларнинг онаси Фотимани ҳар икки гапида камситиши, уни ношуд, нотовон, анқов, лақма, палпис, пандавақи... дейишларида ҳам Зухрага бўлган алоҳида илиқ муносабатни илғаш мумкин.

Ахволинг шу бўлса ҳолинг вой, эр олмайди бошимга ёстиқ бўласан, деб ерга уриши ва аксинча, Зухрани мактабдаги қилдай ютуғи олдида уйдаги филдай гуноҳини пайқаганда индамаган, қўли қаваради, деб ўсмани ҳам ўзи сиқиб берган. Шуниси аҳамиятлики, Фотима ўқишда бир

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 137-бет.

мунча суст бўлса ҳам, у хаёлини теран тушунадиган, ватанига ота-онасига керакли фарзанд эканлигини исботлайди. Эл-юрт олдида ҳурмат қозонади. Зухра эса онасининг, мактабдагиларнинг эътирофидан нотўғри хулоса чиқаради. Интилаётган нурли чўққиларни йўқотиб қўйиб, зулмат қаъридаги жарликка тушиб қолади. Сабаби, у тўғри йўлдан адашиб қолади ва охир-оқибатда ўзи ўралиб қолган бахтсизлик тўридан чиқиб кета олмайди.

Зухра йўқолгандан сўнг, ундан боши-кети йўқ тўнтоқ хат келади. Ушбу хатдан охирини ўйламай, калтабинлик билан энгил ҳаётга қадам қўйганини, кўкларга учиб ердаги ҳаётни унутиб қўйганлигини билиб олиш мумкин. Бу эса ўз ўрнида боши берк кўчаларга олиб боради. У хатда “Турмуш ўртоғим билан кўнглимизнинг амрини бажариб, бахтиёр оилалар сафидан мустаҳкам ўрин эгалладик ва бахтли турмуш қучоғида оқиб, келажакнинг нурли чўққилари томон бормоқдамиз. Сизлар феодализмнинг уқубатли қучоғида яшагансизлар, муҳаббат нима эканини билмайсизлар, шунинг учун мендан хафа бўлманглар, хурсандчилик кунлар яқинлашиб келмоқда”¹.

Бу хатни Фотима олгандан сўнг, хатнинг бошига “азиз дадажоним, меҳрибон онажоним”, охирига “сизларга сихат-саломатлик тилаймиз”, деган сўзларни келтириб ўтади. Ушбу хатида у нурли чўққилар томон кетаяпман деб, аслида ўзи

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 1 37-бет.

орзу қилган порлоқ келажакни англаб етмайди. Ота-онасини сизлар феодализмни уқубатли қучоғида яшагансизлар, мухаббат нима эканини билмайсизлар, деб ёзади. Аслида нурли чўққилар, бахт, порлоқ келажак бу ота-онани рози қилиш, уларнинг дуосини олиш неча йиллаб кўз қорачиғидек асраб, силаб-сийпаб ўзини эмас фарзандларини бахтини ўйлаб, жигаргўшаси учун ўз борлиғидан воз кечган ота-онанинг юзига оёқ қўйиш, ўзидан бошқани ўйламаслик бахтсизлик эмасмикан?! Ҳаёт сўқмоқларида адашиб қолган, нур деб йўлагани аслида сароб эканлигини шу сароб ичида йўқчиликка маҳкум жонини яқинлари чўзган қўллар билан қутқаришни англаб етмайди.

Фарзандини йўқолишидан куйиб кул бўлган ота-онасини юпатиш мақсадида хатнинг боши ва охирини Фотима тўлдириб қўяди. Бу хатни ўқиган онаси ундаги бахтли турмуш сўзларидан бироз таскин топади, бироқ отаси хатдаги адрес бўйича Зухрани узоқ излади. Қизининг на ўлигидан, на тиригидан хабар топа олмайдиган ота-она, айниқса, онаси ўсал бўлиб қолади.

Фотима мактабни тугатиб ўқишга кириш орзусида юрарди. Бироқ ота-онаси Зухранинг бу қилмишига шу ўқиш сабабчи деб қарши чиқади. Оилада ҳамиша Зухрани папалаб, Фотимани эса камситиб келишган бўлса-да, у юраги тоза, дилкаш, қолаверса, ота-онасини нечоғлик эзилаётган кўриб ўқиш фикридан қайтади. Ишга кириб бор ғайрат, шижоатини

ишга солиб, юксак поғоналарга кўтарила боради. Фермада соғувчиликка ўтгандан кейин ўзига ишончи анча ортади. У ўзини йўлини тўғри топа олган, қолаверса ота-онасининг суянчи бўлиб қолган эди. Зухра эса шу кетганча қайтиб келмади. Фарзандининг фироқида, қизининг йўлига интизор бўлган она омонатини топширди. Онасининг ўлимига тўққиз кундан сўнг етиб келган Зухрани кўрган ота қарғишга чоғлангандай “бўйнинг узилсин болам” деб ҳўнграб юборди.

Онасининг таъзиясида кўнгил сўрашга кеган аёлларга ҳам орқасини ўгириб олган Зухра “кўнглимни кўтарганларининг учун раҳмат” деган гапларни эскича деб билади. Бундай пайтларда инсонларни бир-биридан кўнгил сўраши, бирон илиқ сўз айтиб дардига малҳам бўлиши, одамгарчилик, меҳр-муҳаббат, бир-бирига бўлган эътиборни эскилик ёки янгилик деб бўлмайди. Асл ҳаёт маъноси ҳам бу инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати эмасмикин. Зухранинги бундай эскиликлардан қочиб, янгиликка интилиши, ҳаётининг асл маносини англаб етмаслик эди.

Фотима онасининг таъзиясини ўтказиб, Зухрани қилмишлари учун сўроққа тутмоқчи бўлади. Лекин йиғидан шишиб кетган юзини кўриб, уни юпатади, турмушини сўрайди. Зухра эса тўлиб-тошиб ўзининг чиркин ўй-фикрлари бўлмағур қарашлари билан оиласининг қандай бузилганини, қорнида беш ойлик боласи билан эридан чиққанлигини айтади. “Феодализмнинг уяси, мени уй чўриси қилмоқчи бўлишди.

Ўзинг биласан, уй-рўзғор ишига уқувим йўқ, қозон-товоқни жинимдан баттар ёмон кўраман. Шунинг учун аям мени фақат ўқитганлар, мен ҳам яхши ўқиганман. Йўқ, буларга мен оқсоч бўлишим керак экан. Безор бўлдим! Чиқдим кетдим! Лекин эрим хўп ялинди “ўша ота-онанг бор экан, уйингни елкамни чуқури кўрсин”, дедим. Уч марта онаси, бир марта опаси келди, икковини ҳам қабул қилмадим¹.

Зухранинг бу гапларини Фотима ҳазм қила олмайди. Сабаби Фотима – маънавий баркамолликка эришган, инсонпарвар қиз. У ҳаётга бошқача кўз билан қарайди. У яқинларининг борлигини ўзи учун берилган Оллоҳнинг инояти, имконияти деб тушунади. Унинг ички дунёси ва дунёқарашини шакллантирган, чиниқтирган маскан бу ҳаётнинг ўзи. Ҳаётдаги чин инсоний туйғуларни англаб этган Зухрага қараганда ақлли Фотима синглисининг қилмишлари туфайли хатто ўқишга ҳам кирмай, яна ўқиш ҳақидаги орзулари ана ўша турмуш ташвишлари остида қолиб кетган. Бироқ яшаш ва меҳнат қилишнинг олий дарсини ҳаётнинг ўзидан олган. Шунинг учун ҳам, эшик олдидан қайтган мўйсафидларни кўз олдига келтириб йиғлагудек бўлади.

Зухра эса ўз-ўзига махлиё бўлган худбин, мунофиқ, манқурт шахсдир. Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романида Казангапнинг ўғли Собитжон отасининг ўлимига бепарво қарайди. Шунда ёзувчи унга замонавий манқурт

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 137-бет.

сифатини беради. Худди шундай Абдулла Қаҳҳор ҳозир ҳам замонамизда учраб турувчи, фақат ўзини ўйлайдиган онасининг қазоси ва отасининг боши эгикликдан заррача қайғурмайди, қайнона-қайнотасини, эрини ҳан писанд қилмайдиган Зухралар орқали ўша манқурт кимсаларни эсга солади. Бундай шахслар нафақат оиласига, балки жамиятга чириган хазондай атрофни бўғиб, ўзини ҳам йўқликка маҳкум этади.

Фотима Самижон билан Зухрани излаб боришганда уни ачинарли ахволда кўришади. Зухранинг Самижонга бўлган муносабати, уй тутиши, хатто чучвара пиширишни билмаслиги ва бу уқувсизлигидан фахрланиши уни қанчалик ношуд - нотовонликни кўрсатади. Унинг ҳамма қилган ишида, айтган гапида алам бор эди. Бу унинг қадрига етмагани, эридан нолиши эди. Самижон унинг бу ахволини кўриб қишлоққа қайтишини илтимос қилади. Зухра эса буни бир қадам орқага қайтиш деб тушунади. Шунда Фотима: “Аям мендан рози бўлиб, кўз юмдилар, дадам минг марта розилар: дугоналарим, қавм-қариндош, бутун колхоз мендан рози, менинг учун бундан баландроқ чўққи борми! Сендан ким рози? Хатто суюб олган эринг ҳам рози бўлмабди-ку! Сен қанақа чўққига интилган эдинг?”¹ деб юракдан куюниб гапиради.

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 142-бет.

Бу сўзлар Зухранинг юрагига тигдай ботади. Унинг яқинларидан нафратланиши, у интилаётган чўққи тоғ чўққиси сингари булутлар орасида эмас, ерда бўлишини унутгани унинг қанчалик худбин эканлигини кўрсатади. Унинг қалби, руҳи, ақли шундай хира тортган эдики, хатто Венерадай яхши қизи борлигини пайқамаган. Қизини ўзидан бездириб қўйган Зухра афтобус силжиётган пайтда шуни англаб етдики, уни кўзини кўр қилиб қўйган қуёш аслида сароб бўлиб, бахт эса кўкларда эмас, унинг ёнгинасида, яқинларининг кўзларида ёнган меҳрда экан. Инсоний туйғулар фақат қизи кетаётгандагина унга таъсир кўрсатади.

Абдулла Қаҳҳор “Нурли чўққилар”дек китобхон қалбидан чуқур из қолдирувчи ҳикоялари билан замонлар оша яшаб келмоқда. Ҳар бир ҳикояда, одамлар турмушидан олинган лавҳаларда улар ҳаётига, қисматига дахлдор фожиавий мохиятни кўриш, теран ҳис этиш, персонажлар характери ва қисматини уларнинг руҳияти ифодаси орқали ёрқин бадиий деталлар воситасида гавдалантириш сеvimли ёзувчимиз санъатининг энг муҳим жиҳатидир.

Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳамма даврда сеvimб ўқиладиган, ўз аҳамиятини йўқотмайдиган барҳаёт асарлардир.

Шоир Абдулла Орипов Абдулла Қаҳҳор ҳақида шундай дейди: “Устоз доимо ҳақиқатга, ҳаётга таянар, бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эди. Баъзи бировлар Абдулла

Қаҳҳорни қора бўёқларга кўпроқ мойил ёзувчи деб ҳисоблардилар. Бу асоссиз, уйдирма фикрдир. 60-йилларнинг охирларида адабиёт дунёсида ёш шоирларни ўзига хос тарбиялаш мавсуми бўлиб ўтди. Танқидлар ғашга тегар, яккалашга уринишлар бўлди. Шундай вақтда Абдулла Қаҳҳордай атоқли зот бизнинг ҳимоямизга киришиб, асарларига шеърларимиздан эпиграфлар олиб қўя бошлади “Маҳалла” номли ҳикояси учун Эркин Воҳидов, “Нурли чўққилар” ҳикояси учун мен тўрт қатордан шеърлар ёзиб берганимиз:

Гоҳо ер меҳрини ўйларкан,
 Эсга тушар дорнинг сиёғи,
 Ажаб ҳикмат: одам ўларкан
 Узилганда... ердан оёғи¹.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, аёл маънавияти ҳар доим ёзувчилар учун бош масалалардан бири бўлиб келган. Дунёқараши тор, ёлғончи, ҳавойи қизларнинг тақдирини кўрсатиши билан бу ҳикоялар китобхонга ўрнак бўлади. Ёзувчи ҳикоя учун танланган асосий муаммони тасвирлашда ўзига хос услуб қўллайди. Ҳикоя ечими билан унинг асосий мазмуни очилади. Чунки айнан муаммоли вазиятлар ва уларнинг ўзига хос ечимлари китобхон руҳиятига ўзига хос таъсир кўрсата билади.

¹ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар. – Т., Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 137-бет.

“Нурли чўққилар” ҳикояси А.Қаҳҳорнинг инсон маънавий камолоти ва унга зид бўлган манқуртлик хусусияти икки эгизак опа-сингиллар тимсолида маҳорат билан тасвирланган ҳикоя ҳисобланади. Унда кўтарилган масала барча замонлар ва халқлар ҳаётида кузатиладиган долзарб муаммолардандир.

Севги, муҳаббат – инсон маънавиятини белгиловчи муҳим омиллардан бири

Ҳар бир сўзнинг залворли юки ва масъулиятини қалбида туйган, ёзиш техникаси ваа тасвир маданияти юқори бўлган Абдулла Қаҳҳор асарларида маънавийлик ва миллийлик қимматли хусусиятлардан ҳисобланади.

Адибнинг “Муҳаббат” қиссаси ажойиб ўхшатишлар, янги-янги сифатлашлар, сермазмун муболағалар, чиройли жонлантиришлар ва бошқа тасвирий воситалар билан ниҳоятда гўзал қилиб безатилган. Халқ жонли тили бойликлари тежаб-тергаб, ўрни-ўрнида ишлатилган.

“Муҳаббат” – сюжет ва композиция жиҳатидан мукамал. Асардаги воқеалар чиройли композиция доирасида ёрқин ифодаланган. Ундаги воқеалар бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ. Ёзувчи воқеадан воқеа чиқариш ва воқеалар халқасида яхлит сюжет занжирини яшаш орқали асосий сюжет йўналишини маҳорат билан яратган.

“Муҳаббат” қиссаси медицина фанлари кандидати Мурод Алининг ўлим билан олишиб ётгани билан бошланади.

Дадасининг касал ётиши-ю, ўлими бош қаҳрамонлардан бири Анварнинг бошига кўп синовларни солади. Онасидан сўнг, ягона таянчи отасидан ҳам ажралиши Анварни ёлғизлатиб қўяди. Атрофида яқинлари бўлса-да, улар бегонадек. Ана шундай ёлғизлик қийнаётган бир пайтда ҳаётида нур пайдо бўлади. Қалбига кирган бу ёруғлик, бу нур Муҳайё эди. Лекин тақдир уларнинг бошига машаққатларни солади.

Қиссада Анвар, Муҳайё, Муаттар, Наимжон, Раҳимжон сингари образлар ҳозирги замон ёшларига хос хусусиятларга эга эканлиги билан таъсирли кўрсатилган. Анварнинг аммаси Марғуба акасидан қолган катта бойликка эга бўлиш ниятида қабиҳ ишларга қўл уради. Мурод Алининг яккаю ягона фарзанди, жияни Анварга ўзининг ўғай қизи Муаттарни бериб, меросхўр Анварнинг оёғига кишан солмоқчи бўлади. Бироқ Анвар аммаси Марғуба кўрсатган йўлдан бормайди: Муаттар билан турмуш қуришга рози бўлмайди. Марғуба эса ўз ниятига етиш йўлида ҳар қандай пасткашлиқдан қйтмайди: Анварни ўз ҳовлисидан қайдаб, кўча-кўйда сарсон-саргардон кезишга мажбур қилади. Гуноҳсиз жувон Муҳайёни ёмонотлиққа чиқариш учун тухмат ва иғвони ишга солади. Уни асоссиз ҳолда бузуқ деб шарманда қилади. Лекин Анвар билан Муҳайёнинг соф муҳаббатига ҳеч бир нарса – катта бойлик ҳам, эски урф-одатлар ҳам тўсиқ бўла олмайди. Асар воқеаси икки севишган ёшнинг Муаттар, Ҳақимжон, Наимжон

каби яхши ниятли, пок кишилар ёрдамида муроду мақсадларига етганликларини ҳикоя қилиш билан тугайди.

“Муҳаббат” қиссасининг ишонтириш қуввати кучли. Чунки ёзувчи барча образларнинг ҳаракатини, юриш-туришини, феъл-атворини, ўй-хаёлларини мантиқан асослашга ва табиий қилиб ифодалашга эришган. Характер яратишда, асар ғоясини очишда руҳият таҳлили ваа тил имкониятларидан моҳирона фойдаланган. “Муҳаббат” қиссасининг сюжети қизиқарли. Асардаги воқеалар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Адиб образлар ўртасидаги тўқнашувларни тасвирлаш, ёрқин ҳаётий манзаралар яратиш, воқеалар халқасидан мустаҳкам сюжет занжирини ясаш орқали асарнинг асосий сюжет йўналишини вужудга келтирган. Шу тариқа мазмун в шакл бирлиги, мукамаллигига эришган.

Ёзувчи бу қиссада урф-одатларнинг инсон тақдирига таъсирини ёритиб ўтган. Муҳайёнинг янги ҳаёт бошлашига айнан шу урф-одатлар тўсқинлик қилади. Асарда Муҳайё қоп-қора тунда чарақлаган юлдуз, ер қаъридан отилиб чиққан расида қиз сифатида тасвирланади.

Не-не орзулар билан бахт қасрини қурмоқчи бўлган Муҳайё тўйи куни Салимжоннинг бесабаб рашкидан эсанкираб қолади. Суксурдай йигит бўлмиш Салимжон аслида ўз бахтини ўзи бўғадиган, маънан қашшоқ, бўлмағур нарсаларга рашк қилаверадиган, бўлар-бўлмасга хархаша қиладиган нодон йигит бўлади. Муҳайё у билан оила

қургандан сўнг ўзини бир буюмдай ҳис қилади. Салимжон шу даражага бориб етадики, у Муҳайёни инсон, яқин одами, аёли сифатида кўрмай, шахсий мулкани идора қилгандек, уни ҳар куни сўроқ қилади. У шунчалик кўрқоқ эдики, покиза бир қизнинг ҳаётини барбод қилиб, турли бўҳтон ва ёлғонларга кўмиб ташлайди.

У ёмон туш кўриб уйғонгач, Муҳайёни рашк қилиб бўғиб ҳушидан кетказди. Тез ёрдам машинаси уни касалхонага олиб кетади. Йўлда отасига хотини тушида бошқа бир эркакнинг отини айтганлигини кўрқоқларча баҳона қилиб, ўзини оқлайди. Уни касалхонада Анварнинг дадаси Мурод Али қутқариб қолгач, ўзи даволайди.

Ёзувчи Салимжон образи орқали ҳаётда ўз мустақил фикрига эга бўлмаган, ношуд, ёлғончи кимсаларни кўрсатади. Асарда Салимжон кабилар характеридаги иллатларни қоралаш билан бирга Анвар ва Муҳайёнинг чин севгиси, бу севгининг нафосат ва кучини очиб берган.

Асар давомида Марғуба Муҳайёга туҳматлар уюштириб унга қора чаплашга роса ҳаракат қилади. Лекин қиз Анвар учун ерга топталган олтиндай ярқираб кўринар эди.

Қиссада Муҳайёнинг отаси Ҳақимжоннинг гаплари анча характерли:

“Бу нима деганингиз? Энди Муҳайё умр бўйи бахтсиз бўлишини, хотини ўлган ё кўйган одамни кутиши, ўзини унинг

оёғи остига ташлаши керакми? ... Салимжоннинг онаси ҳам фарзандига шундай қарармикан?..

Саккизта хотин битта эркакнинг чўриси бўлсин, фарзанд дегани шифокорларга эмас, мазорларга қатнасин..

... Агар Муҳайё Анварга кўнгил қўйган бўлса, бошимни осмонга етказган бўлади”¹.

Қиссада Анвар ва Муҳайё турли синовлардан ўтишади, бу йўлда улар курашни давом эттиришади.

Ёзувчи муҳаббат асли нима эканлигини Муаттар ва Анварнинг суҳбати орқали кўрсатиб берган.

- Мен яхши кўриш нима ҳали билмайман, лекин Муҳайёга, Муҳайё деган инсонга жуд-жуда муҳтожман. Буткул етим бўлганим, хафа бўлган пайтларимда юрагимни кимга бўшатишимни билмаганим учун бу гапни айтаётганим йўқ. Отам жон берган дамда аммам кўзимга хароб, хунук кўринган, ўзим ожиз, нотавон бўлиб қолган эдим. Муҳайё бор жойда олам кўзимга чиройли, обод кўриниб қолди. Ўзимни қодир сезаман.
- Мана шу муҳаббат бўлса керак, - деди Муаттар...
- ...Муҳаббат чакмоққина эмас, одамга ўхшайди; туғилганида бир парча гўшт бўлади, кейин кўзини очади, кейин кулдиргич пайдо қилиб илжаяди, кейин тил чиқариб ҳар куни янги бир гап айтади²...

¹ А.Қаҳгор. Муҳаббат. – Т., Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 87-бет.

² Ўша китоб. 98 –бет.

Қиссада муҳаббатнинг кучи билан Анвар ва Муҳайё қийинчиликларни енгиб ўтиб, бахтга эришишади. Анвар аммасидан ҳовли-жойини қайтариб олади.

Ёзувчи “Муҳаббат” қиссида ҳаётини ўзидан олган завқини. Ўз юрак дардини, ҳаяжонини бадий воситалар орқали изҳор этади. Ўзи қаламга олган ҳаётӣ ҳодисаларни, инсоний зиддиятларни, чинакам нафосати билан китобхонга етказа олади. Қиссада хилма-хил образлар ва уларнинг туйғулар туғени ҳаёт ҳақиқатига мос равишда маҳорат билан акс эттирилган.

Хуллас, қиссада муҳаббаат мавзуси ўзига хос тарзда кескин конфликлар қуршовида акс эттирилган. Бу мавзу ўлмаслиги, ҳар бир севги уни янгилайвериши яна бир бор исботланган.

Хулоса

Ҳикоя жанри ўзбек адабиётида азалдан шаклланиб, тараққий этиб келаётган эпик жанрлардан ҳисобланади. Ушбу жанрнинг ривожланиши янгича мазмун билан бойиб боришида улкан ҳисса қўшган адибларимиздан бири Абдулла Қаҳҳор бўлиб, унинг ҳикоялари ўзбек адабиётида мустаҳкам ўрнига эга эканлиги, ўзига хос характерлар талқини билан ажралиб туриши уларни турли масалаларга кўра тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради.

“Ижод жараёнида санъаткорнинг диққат марказида турадиган предметлардан бири – инсоннинг шахс сифатидаги конкрет хусусиятларини, индивидуал белгиларини кўрсатишдир. Томчида қуёш акс этганидек, бадиий асарда инсон ҳаётининг конкрет манзаралари, индивидуал белгилари орқали ҳаётдан олинган умумлашмалар ифодаланади”¹. Шу маънода А.Қаҳҳор ҳикояларида турли тоифа кишиларнинг шахс сифатидаги индивидуал белгилари ёрқин кўзга ташланади. Адиб асарларида алоҳида образларининг турфа хил табиати акс эттирилган. Уларнинг маънавий-ахлоқий муаммолар ифодасидаги ўрни ва ёзувчи маҳорати масаласи атрофлича ўрганилмаганлиги, бу мавзуда фундаментал тадқиқот иши яратилишига эҳтиёж борлигини англатади.

¹ Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент. Ўзбекистон. 2002. – Б.47.

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари мақсаднинг аниқлиги, сюжетнинг сиқиклиги, композициянинг пухталиги, характерларнинг ёрқинлиги, психологик таҳлилнинг кучлилиги билан катта эстетик аҳамиятга эга. Адиб ҳикояларида қарама-қарши қўйиш усулидан, ҳаётий конфликт ва психологик таҳлилдан, жонли халқ тили бойликларидан маҳорат билан фойдланади.

Унинг, айниқса, “Хотинлар”, “Маҳалла”, “Тўйд аза”, “Майиз емаган хотин”, “Нурли чўққилар” каби ҳикоялари бадиий маҳорат жиҳатидан ибратлидир. Уларда ёзувчи асар ғоясини гавдалантиришда образларнинг хатти-ҳаракатларини асос қилиб олади ва персонажлар характерини уларнинг ўз ҳаракати, феъл-атвори ва тили воситасида очади. Натижада, ҳикоялардаги образларнинг ҳар бири ўзига хос хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва ташқи кўриниши жиҳатидан бир-биридан ажралиб, фарқ қилиб туради. Ёзувчининг маҳорат билан яратган қаҳрамонлари бугунги кунда ҳам ардоқланади.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Муҳаббат” қиссасида Анвар ва Муҳайё номли икки ёш юракнинг оташин муҳаббати, булоқ сувидек тоза, қуёш нуриддек пок севгиси ҳаяжон билан ҳикоя қилинган.

А.Қаҳҳорнинг юқорида кўриб чиқилган асарлари ибрат бўларли ҳаёт воқеалари танлаганлиги билан аҳамиятлидир. Асарларида маънавий-ахлоқий муаммоларни тасвирлашда

ёки ҳаётни борлигича акс эттиришда ёзувчи маҳорати хусусида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- А.Қаҳҳор танланган асосий муаммони тасвирлашда асарларида ўзига хос услуб қўллайди. Ёзувчи “Тўйда аза” ҳикоясида кекса домланинг маънавий тубанлашуви унинг ўлимига сабаб бўлишини тасвирлаган. Домланинг ўлими энгил юмор билан тасвирланиши ўзига хос усул бўлиб, бу ҳикоянинг муваффақиятли чиқишига сабаб бўлган омиллардан биридир.

- А.Қаҳҳор асарларидаги характерлар талқинида алоҳида йўналиш сезилади. Яъни, ҳар бир характер ўз ҳаётий асосига эга ва реал тасвирий қўлам билан йўғрилган. Характерга мос бадиий тасвир воситалари кўплаб келтирилган ва булар ҳам насрий асарлардаги қаҳрамонларнинг ишонарли тавсифланишида етакчи вазифасини ўтаган.

- Ёзувчи ёш, шаклланаётган характерларни тавсифлашда шароит ва макон тасвирига алоҳида аҳамият қаратади, уларнинг руҳий ҳолати ифодасида ўзига хос ўрин тутишларига эришади.

- Адибнинг “Муҳаббат” қиссасидаги характерлар ўз тиришқоқлиги, фидоийлиги ва мардликлари билан ажралиб туради. Унда икки қалбнинг севги саргузашти асосида ҳаётдаги паст-баландликлар, яхши ва ёмонликлар, инсон характерининг мураккаблиги, ёшлар тафаккур дунёсининг

кенглиги ва бойлиги очиб берилган. Соф севги ва инсоний бурч тўғрисидаги поклик ва ҳалоллик ҳақидаги чуқур мазмун гўзал шаклда ифодаланиб, ҳақиқий инсонийлик улуғланган.

Умуман олганда, Абдулла Қаҳҳор асарларининг аксари маънавий-ахлоқий муаммолар талқин этилган асарлар сирасига киради. Уларни атрофлича ўрганиш бугунги адабиётшуносликнинг олдида турган долзарб масалалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т., Ўзбекистон, 2002. – 559 б.
3. Иззат Султон. Адабиёт назарияси –Т., Ўқитувчи, 1986, - 407 б.
4. Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т., Ўқитувчи, 1999, - 544 б.
5. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти, –Т., Янги аср авлоди, 2005, - 419 б.
6. Муаллифлар жамоаси. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1- том. – Тошкент. Фан. 1978. – 416 б.
7. Норматов У Етуклик. –Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й, -368 б.
8. Норматов У. А.Қаҳҳор. (М.Қўшжонов билан ҳаммуаллифликда). –Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 124 б.
9. Смирнова В.В. Современный портрет. Советский писатель. 1964. - 187 б.
10. Султонова М. Абдулла Қаҳҳор услуби. Фан, 1967. – 136 б.
11. Тўраев Дамин. Янги ўзбек адабиёти. – Тошкент. Фан, 2008. – 191 б.
12. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси .–Т., Шарқ, 2002, -254 б.

13. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Т., ЎАЖБНТ, 2003. -361 б.
14. Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. - 418 б.
15. Шарафиддинов О.А.Қаҳҳор. – Т., “Ёш гвардия” нашриёти. 1988.- 256 б.
16. Шукуров Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. – Т., Ўқитувчи, 1979, -230 б.
17. Ўлжабоев У. Абдулла Қаҳҳор сабоқлари. – Гулистон., “Зиё” нашриёти. 2013. -99 б.
18. Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъуллиги. – Т.. Ўзбекистон. 2012.- 376 б.
19. Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор. – Т., Фан, 1973. – 150 б.
20. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т., Ўқитувчи, 1979, -367 б.
21. www.literature.uz
22. www.Geogle.
23. www.Ziyonet/uz